

**Н.Г. Акбаров,
ўқитувчи ТДИУ**

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ ОРҚАЛИ УНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Пахтани қайта ишлаш тармоқлари республикамиз экспорт салоҳиятини янада оширишда муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Республикамизда пахта тозалаш саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирда жаҳон пахта толаси бозори истеъмолчилари пахта толаси сифатига жиддий талабларини кўймоқдалар.

Сифатли маҳсулот доим ўз харидорларига эга. Ҳозирги даврда мазкур талаб қондирилгандагина маҳсулот дунё бозорига чиқиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат экспортдан келадиган валюта тушумини кўпайтириш орқали янги техника ва технологиялар сотиб олиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, самарадорлигини ошириш имконини беради. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уни сотишга эришган корхона ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалтириш имкониятига эга бўлади. Бундай субъектларнинг кўпайиши эса мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири корхоналар ўртасидаги сифатли маҳсулот учун моддий рағбатлантириш ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаргани учун моддий жавобгарликка тортиш бўйича муносабатларни ифодалайди.

Маълумки, ҳозирги пайтда бизнинг аксарият кўп турдаги товарларимиз ўз ички бозоримизда ҳам чет эл товарлари билан етарлича рақобатга бардош бера олмаяпти. Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга иккита асосий омил таъсир кўрсатади. Биринчиси, маҳсулот баҳоси билан боғлиқ омил, яъни маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига зарар етмагани ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга эришиш. Иккинчиси, маҳсулот баҳоси билан боғлиқ бўлган омил, яъни маҳсулотга илгари талаб бўлмаган янги хусусиятларнинг берилиши билан унинг сифатини яхшилаш [1].

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида эса маҳсулот сифатини яхшилаш - ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатнинг тежалиши, асосан, сифатли маҳсулотни истеъмол қилиш соҳаси асосида юзага келади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш эса ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланишини таъминлайди.

Маҳсулот сифатининг пастлиги ҳамда рақобатбардош эмаслиги корхонанинг яшовчан эмаслигига аниқ асосдир. Шунинг учун ҳам сифат муаммоси эндиликда стратегик муаммо ҳисобланади. Корхонанинг ўз мақсадига эришиш қобилияти, чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ундаги бошқариш ва ташкил этиш тартиби – сифатни бошқариш тартибидан аниқланади. Сифатни бошқариш тартиби – корхонада амал қилинаётган ва фойдали техник, бошқариш усулларини ўз ичига олган, инсонлар ва машиналарнинг ўзаро муносабатларининг энг яхши ва энг қулай усулларини таъминланган ва шунингдек, сифат учун қилинган

харажатларни тежаш, маълумотларни беришни ўзида намоён этадиган келишилган иш кўрилишидир.

Маҳсулот сифатини тизимли равишда яхшилаш корхоналар иш юритишининг зарур шarti, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, бозор доимо сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришни талаб этади.

Замонавий бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига қатъий талаблар кўяди. Чунки ҳозирги замонда корхонанинг омон қолиши, унинг товар ва хизматлар бозоридаги мустақкам мавқеи рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Рақобатбардошлик икки кўрсаткичда - баҳо ва маҳсулот сифатининг даражаси билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришни эркинлаштириш даврида иккинчи омил биринчи ўринга кўтарилмоқда. Шу туфайли давлатнинг иқтисодий, жумладан, саноат сиёсатида сифат масаласи муҳим ўрин эгаллайди.

Пахта тозалаш саноатида ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш ишлари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 70-сонли қарори билан тасдиқланган **«Пахта тозалаш саноати корхоналарини 2007-2011 йилларда модернизация ва реконструкция қилиш тўғрисидаги Дастур»**га асосан янада тезкор ва мақсадли тус олди. Ушбу қарорда эскирган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ишдан чиққан асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст бўлган 30 та пахта тозалаш корхонасини тугатиш, бунда тайёрлов масканларининг мавжуд тармоғини сақлаб қолиш белгиланган эди. Бундан ташқари, дастурга кўра, **«Пахта тозалаш IIChB»** жамияти, машинасозлар, лойиҳачилар ва бошқа дахлдор ташкилотлар билан биргаликда 5 йил ичида соҳанинг 20 та корхонасини реконструкциялаш ва 21 тасини модернизациялаш кўзда тутилган эди [2].

Дастурга асосан, 2007-2011 йилларда 41 та пахта тозалаш корхонасида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Амалга оширилган модернизация ва реконструкция жараёнида қуйидаги ютуқларга эришиш таъминланди:

- тармоқнинг молиявий аҳволини яхшилаш, рентабелликни янада ошириш мақсадида ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмаётган ва маънан эскирган ускуналарга эга бўлган 30 та паст рентабелли пахта тозалаш корхоналари тугатилди;

- соҳада уруғлик чигит тайёрловчи замонавий цехи мавжуд бўлган 31 та ихтисослашган корхона фаолият олиб бормоқда;

- юқори самарали техника ва ихчам технологик жараёнларнинг жорий этилиши ҳисобидан ускуналар сони 50-60 фоизга қисқариб, бу эса ўз навбатида, 1 тонна пахта толасини ишлаб чиқаришга сарфланадиган электр энергияни 10-15 фоизга камайтиришга, ускуналарга кўрсатилган техник хизматни соддалаштиришга ҳамда толага механик таъсирнинг камайиши ҳисобига маҳсулот сифатининг яхшиланишига олиб келди (олий сифатли тола ишлаб чиқариш ҳажми 85-90 фоизга оширилди);

- пахта толасининг чиқиши, 1-2-навли юқори рейтингли пахта толаси ҳажми ва ундаги тозалик бўйича юқори (“олий”, “яхши”) синфдаги улуши ортди;

- электр энергияси ҳамда моддий-техник ресурслар сарфи ва бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи қисқаришига эришилди.

Корхоналарда замонавий ва жаҳон даражасида муваффақиятли синаб кўрилган технологияларни жадал жорий этиш орқали ишлаб турган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишни давом эттириш ва республиканинг sanoat салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелида «Sanoat тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 115-сонли қарори қабул қилинди [3]. Ушбу қарорга мувофиқ 2011 йилда вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган 418 та йирик sanoat корхонасида технологик асбоб-ускуналарнинг техник аудитини ўтказиш натижасида 161,4 мингта асбоб-ускуна текшириб чиқилди, жумладан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бўйича 7069 бирлик асбоб-ускуна аудитдан ўтказилиб, шундан 243 таси янгилашни талаб этиши аниқланган. Ушбу қарорга мувофиқ «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бўйича 2012-2014 йилларда йиллар бўйича қуйидаги бирлик асбоб-ускуналарни янгилаш амалга оширилиши режалаштирилди: 2012 йилда – 92 та; 2013 йилда – 21 та; 2014 йилда – 9 та; 2014 йилдан сўнг эса – 16 та. Ушбу қарорнинг белгиланган муддат ва ҳажмда бажарилиши таъминланди ва таъминланмоқда.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишда инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва бошқариш соҳаларига кенг қўллаш зарурлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Биз ўз тадқиқотларимизда пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи асосий омилларни ўрганиш жараёнида корхона рақобатбардошлигини баҳолаш услубини ишлаб чиқишни ҳам зарурат юзасидан мақсад қилиб қўйдик. Бугунги кунда sanoat корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг кенг тарқалган усуллари қуйидагилардир: матрица усули; товарнинг рақобатбардошликка асосланган усули; самарали рақобат назариясига асосланган усул.

Бизнингча, корхона рақобатбардошлигига тўлақонли баҳо беришга имкон берувчи усул охирги, самарали рақобат усулига асосланган усул бўлиб, унга кўра маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, самарали молиявий бошқарув соҳалари яхши ташкил қилинган корхонанинг рақобатбардошлик даражаси юқори ҳисобланади. Рақобатбардошликнинг ошиши пировардида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги мураккаб тушунчадир. Унда ишлаб чиқариш натижаларига ҳам, харажатларга ҳам таъсир кўрсатувчи кўп омилларнинг ҳаракати жамланган. Шунинг учун ҳам sanoatда жорий этиладиган ҳар бир тадбирнинг иқтисодий самарадорлик даражасини тўғри ва муфассал аниқлаш ишлаб чиқариш фаолиятини илмий асосда

режаралиштиришни мақсадга мувофиқ ташкил этишнинг, хўжалик ишлари сифатини саноатнинг ҳар бир тармоғида ҳамда алоҳида корхонада бошқаришни объектив баҳолашнинг муҳим омилidir.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи учун, корхона учун, ишлаб чиқариш тармоғи учун ва умуман, бутун миллий хўжалик учун самарадорлик алоҳида белгиланади. Кўрсаткичлар гуруҳга ажратилган.

Биринчи гуруҳга муайян вақт давомида ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгаришини тавсифлайдиган натурал ва қиймат кўрсаткичлари киради. Бу эса самарадорлик кўрсаткичларининг келажакдаги динамик ўзгаришини аниқлаш имконини беради.

Иккинчи гуруҳга ишлаб чиқариш самарадорлигига муайян аниқ шароитда максимал даражада имкони бўлган ва иқтисодий жиҳатдан асосланган кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичларни норматив миқдор сифатида қабул қилиб, сўнгра амалдаги самарадорликни мўлжалдаги самарадорликка аста-секин етказиб олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг қўшимча имкониятларини аниқлаш учун унинг амалдаги у ёки бу тармоқда, бир хил корхоналарда эришилган энг юқори самарадорлик билан таққослаш керак. Бу эса, кўрсаткичларнинг учинчи гуруҳини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш кўрсаткичлари куйидагилардир: меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот тайёрлашга материал сарфининг камайиши, ишлаб чиқариш фондлари ва асосий қувватлардан яхшироқ фойдаланиш.

Пахта тозалаш саноатида муайян аниқлик билан корхонанинг рақобатдошлик коэффициентини тавсия қилиш мумкин [4]:

$$P_{\text{кор}} = 0,25 \cdot C_{\text{ич}} + 0,20 \cdot C_{\text{м}} + 0,18 \cdot C_{\text{с}} + 0,37 \cdot P_{\text{т}},$$

бу ерда: $C_{\text{ич}}$ – корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини белгиловчи самарадорлик мезони;

$C_{\text{м}}$ – корхонанинг молиявий аҳволини белгиловчи самарадорлик мезони;

$C_{\text{с}}$ – товарни сотиш ва унинг ҳаракатчанлигини белгиловчи самарадорлик мезони;

$P_{\text{т}}$ – товарнинг рақобатбардошлик мезони.

Корхона стратегиясининг сифати кўп жиҳатдан қарор қабул қилиш учун тўпланган маълумотларнинг сифати, ҳажми ва ишончлигига, стратегия ишлаб чиқаётган мутахассисларнинг турли кўрсаткичларнинг ўзаро мослигини аниқлаш қобилиятига боғлиқ бўлади, бу эса ўз навбатида, маълум бир чоратадбирлар қўлланиши ёки қўлланилмаслигига таъсир қилади.

Ресурс таъминоти стратегиянинг шаклланишига таъсир қилса-да, бироқ унинг сифатини белгилаб бера олмайди, чунки айнан стратегияни ишлаб чиқувчи мутахассисларнинг малакаси уларнинг стратегияни кўп миқдордаги ресурслардан ҳам, кам миқдордаги ресурслардан ҳам имкон қадар максимал даражада самарали фойдаланиш мумкин бўладиган тарзда таркиблаш қобилиятини белгилайди. Шундай бўлса-да, пахта тозалаш корханаларида сўнги йилларда пахта хомашёси етиштириш миқдорининг камайтирилганлиги

оқибатида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмасликни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, пахта хомашёси дастлабки сифат тавсифларига мувофиқ ихчам технологик жараёни қўллаш ҳам юқори иқтисодий самарага эришиш имконини беради.

Корхона маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш чоратадбирларига келсак, шубҳасиз, юқорида ифодаланган рақобатбардошлик тавсифларини ҳисобга олган ҳолда, сифат ва нарх (ёки ишлаб чиқариш харажатлари) - ташқи бозорда муваффақият қозонишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи икки омилдир.

Маҳсулот сифати талаб даражасида бўлмаса, биринчидан, ўтимлар бўйича узилишлар сони ортиб боради ва машина фойдали иш вақти пасаяди, натижада унинг иш унумдорлиги камаяди. Машина иш унумдорлигининг камайиши эса меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади, натижада ишчининг вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарадиган маҳсулот миқдори камаяди ва иш ҳақи фонди ортиқча сарфланишига олиб келади.

Иккинчи томондан, маҳсулот сифати даражаси хомашёдан фойдаланишнинг меъёрдан ортиқча бўлишига олиб келади. Хом ашёдан фойдаланишнинг ёмонлашуви маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ошишига олиб келади, натижада корхонанинг маҳсулот сотишдан олган фойдаси миқдори камаяди, маҳсулот ва корхона самарадорлиги ҳам пасаяди. Демак, корхонанинг молиявий фаолияти ёмонлашади.

Учинчи томондан, маҳсулот сифатининг пасайиши мавжуд техникадан фойдаланиш даражасининг камайишига олиб келади. Натижада машиналарни таъмирлаш ва уларга қараш харажатлари бирлик маҳсулот учун ҳамда корхона бўйича бу харажатларнинг миқдори ортиб, корхона иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир этади.

Адабиётлар

1. Варакуша С.А. Управление качеством продукции. – М.: РИОР. – 109 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 70-сонли қарори билан тасдиқланган «Пахта тозалаш саноати корхоналарини 2007-2011 йилларда модернизация ва реконструкция қилиш тўғрисидаги Дастур».
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелида «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 115-сонли қарори.
4. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Тошкент: ФАН, 2004.